

**Бўриев Жамшид Парда ўғли,**  
Тошкент молия институти мустақил  
изланувчиси

# ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ФОНД БОЗОРИДАГИ ФАОЛИЯТИДАГИ МУАММОЛАР ВА УЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ

УДК: 336.761

## **БЎРИЕВ Ж.П. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ФОНД БОЗОРИДАГИ ФАОЛИЯТИДАГИ МУАММОЛАР ВА УЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ**

Мазкур мақолада тижорат банкларининг фонд бозоридаги фаоллигига салбий таъсир кўрсатаётган омиллар мухокама қилинган. Бу борадаги муаммоларни ҳал қилишга ва банкларнинг қимматли қоғозлар бозоридаги фаоллигини оширишга қаратилган таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Таянч сўз ва иборалар: тижорат банклари, фонд бозори, акциялар, инфляция, ликвидлилик, даромадлилик.

## **БУРИЕВ Ж.П. ПРОБЛЕМЫ В ДЕЯТЕЛЬНОСТИ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ НА ФОНДОВОМ РЫНКЕ И ПУТИ ИХ РЕШЕНИЯ**

В данной статье обсуждаются факторы, негативно влияющие на деятельность коммерческих банков на фондовом рынке. Разработаны предложения и практические рекомендации для решения проблем в этой области и повышения активности банков на рынке ценных бумаг.

Ключевые слова: коммерческие банки, фондовый рынок, акции, инфляция, ликвидность, доходность.

## **BURIEV J.P. PROBLEMS IN THE ACTIVITIES OF COMMERCIAL BANKS IN THE STOCK MARKET AND WAYS TO SOLVE THEM**

In the article is discussed the factors that negatively affect the activities of commercial banks in the stock market. Proposals and practical recommendations have been developed to solve problems in that area and to increase the banks' activity in the securities market.

Key words: commercial banks, stock market, shares, inflation, liquidity, profitability.

**Кириш.** Бозор иқтисодиёти шароитида тижорат банклари мұхим молиявий институт сифатида бүш пул маблағларини маълум шартлар асосида жалб қилиш орқали иқтисодиёт тармоқларини молиялаштириш, субъектлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш, аҳоли даромадларини ошириш кабиларда мұхим аҳамият касб этиши аксариятимизга маълум. Бунда тижорат банкларининг фонд бозоридаги фаолиятининг самарали ташкил этилганлиги юқори келтирилган жиҳатларнинг тўлиқ ишлаши мұхим ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан аввало тижорат банкларининг фонд бозоридаги фаолияти билан боғлиқ муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўналишлари хусусида тўхталиб ўтамиз.

**Тадқиқот мавзусининг долзарблиги.** Ҳозирги вақтга келиб тижорат банкларининг фонд бозоридаги фаолияти, улар фаоллигини ошириш масаласи миллий ҳалқаро даражада тадқиқотчилар ва иқтисодчиларнинг эътиборидаги масалалардан биридир. Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозоридаги иштироки кўп томонламалиги бунга маълум даражада сабаб бўлмоқда. Яъни банклар бунда қимматли қоғозлар эмиссияси орқали капитал жалб қилиш, қимматли қоғозларга инвестиция киритиш, воситачилик асосида бошқа эмитентлар қимматли қоғозларини жойлаштириш кабилар орқали фонд бозоридаги фаолликни оширишга, молиявий ресурслар ва даромадлар таркибини диверсификациялашга интилмоқда. Шу боисдан ҳам тадқиқотчиларнинг бу борадаги қарашларида умумийлик ва ўзига хос фарқли жиҳатлар кузатилади.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Н.М.Гиброва фонд бозори, тижорат банклари ва иқтисодиётнинг реал сектори ўртасидаги ўзаро таъсирни тадқиқ қилган. Унда тадқиқотчи иқтисодиётнинг реал сектори – инвестицион ресурслар истеъмолчиси сифатида қимматли қоғозлар эмитенти, фонд бирламчи бозори – инвестицияларни молиялаштириш мақсадида пул маблағлари тушумини таъминловчи канал, банклар эса қимматли қоғозларни сотиб олуучи инвестор сифатида кўрсатилади. Кўриб турганимиздек, тадқиқотчи асосан тижорат банкларининг инвестор сифатида ролига жиддий эътибор қаратган [1].

О.И.Лаврушин бошчилигидаги олимлар гурӯҳи томонидан тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан операциялари доирасида қимматли қоғозлар бозорида банк фаолияти

турлари, банкларнинг ўз қимматли қоғозларини мумомалага чиқариши ва жойлаштириши, тижорат банкларининг қимматли қоғозларга инвестицион қўйилмалари, давлат қимматли қоғозларига хизмат кўрсатиш бўйича банк операциялари ва РЕПО битимлари, банкларнинг қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиси сифатидаги фаолияти кабиларни атрофлича тадқиқ қилинган. Бунда тижорат банкларининг фонд бозоридаги воситачилик фаолияти эътибордан четда қолган [2].

И.Р.Байбеков эса тижорат банкларининг фонд бозоридаги фаолияти орқали облигациялар портфелини шакллантириш масалаларига доир тадқиқотлар олиб борган. Бунда асосий эътибор банк даромадларини диверсификациялаш нуқтаи назаридан облигациялар портфелини ҳам диверсификациялашда облигация эмитентларини сифат жиҳатидан баҳолаш методикасига қаратилади [3].

АҚШдаги тижорат банклари ўз акциялари, облигациялари ва депозит сертификатларини фонд бозорида жойлаштириш орқали капитал жалб қилиши, "қимматли қоғозлар бозорида инвестицион фаолият нуқтаи назаридан асосан федерал, штат ёки маҳаллий облигацияларга маблағ йўналтириши" мумкин [4]. Мазкур жиҳатни 1929-1933 йиллардаги буюк депрессия туфайли тижорат банкларига юқори рискли қимматли қоғозларга инвестиция киритиш билан боғлиқ фаолият тақиқланганлиги билан изоҳлашимиз мумкин. "Банкларга акциялар ёки корпоратив облигациялар каби юқори рискли қимматли қоғозларга эгалик қилиш тақиқланади. Фазначилик қимматли қоғозлари эса уларнинг паст рискли ва юқори ликвидлилиги туфайли сотиб олинишига ҳеч қандай чекловлар йўқ" [5]. АҚШда тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан боғлиқ молиявий воситачилик фаолиятига ҳам рухсат берилмаган. Юқоридагилардан ҳам кўринадики, банкларнинг фонд бозори бўйича маълум бир чегаралар ҳам ўрнатилиши мумкин.

Н.Н.Мартыненко, О.М.Маркова, О.С.Рудакова, Н.В.Сергеевалар ҳам мазкур масалага эътибор қаратиб, қимматли қоғозлар бозорида банклар фаолияти, ўрни ва роли ва турлари, банкларнинг қимматли қоғоз чиқариши ва жойлаштиришлари, қимматли қоғозлар бозорида банкларнинг инвестицион фаолияти, банкларнинг қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиси сифатидаги фаолияти, хусусан дилерлик, брокерлик, ишончли бошқарувчилик

## 1-жадвал. Тижорат банкларининг акциялар орқали капитал жалб қилишига салбий таъсир кўрсатаётган омиллар<sup>1</sup>

Ташқи омиллар	Ички омиллар
<p>1. Банк тизимида, тижорат банклари устав капиталида давлат иштирокининг юқорилиги;</p> <p>2. Давлат дастурлари асосида банк соҳасига дахлдор бўлмаган соҳаларнинг бириклигиданлиги;</p> <p>3. Молиявий ресурслар жалб қилиш борасида банк тизимида соғлом рақобат муҳитининг мавжуд эмаслиги;</p> <p>4. Тижорат банклари акцияларига эгалик қилиш, акцияларни сотиб олиш бўйича чекловлар мавжудлиги.</p> <p>5. Инфляция даражаси юқорилиги</p>	<p>1. Тижорат банкларининг молиявий-хўжалик фаолияти бўйича мустақиллигининг чекланганлиги;</p> <p>2. Акциялар ликвидлилигига ҳар доим эътибор қаратилмаслиги;</p> <p>3. Миноритар акциядорлар манфаатлари инобатга олинмаган ҳолда молиявий қарорлар қабул қилиниши;</p> <p>4. Дивидендлар амалиётлари орқали инвестицион жозибадорликка эътибор қаратилмаслиги.</p> <p>5. Қимматли қоғозлар орқали капитал жалб қилишига интилувчанликнинг пастилиги</p>

ва депозитарий фаолиятини тадқиқ қилишган [6]. Худди шу жиҳатни В.А.Боровковой бошчилигидаги дарсликда ҳам қайд этилади [7]. Буни ҳар иккала иқтисодий адабиёт Россия тажрибаси ва амалиёти асосда ёзилганлиги билан изоҳлашимиз мумкин.

“АҚШда ҳаттоқи инвестицион банкларга ҳам корпоратив қимматли қоғозларга инвестиция киритиш, уларни жойлаштиришга воситачилик қилиш тақиқланади. Европада эса аксинча, яъни универсал банкларга қимматли қоғозлар бозорида фаолият юритишга чекловлар қонунчилиқда илгари сурilmайди. Ва шу асосда ҳам бизнесни ривожлантиришга эътибор қаратилади” [8].

**Илмий муаммонинг қўйилиши.** Мамлакатимиздаги тижорат банкларининг фонд бозоридаги фаоллиги паст даражада қолмоқда. Бунга банклар устав капиталида давлат иштирокининг ниҳоятда юқорилиги, фонд бозори орқали мустақил молиявий ресурсларга жалб қилишдан манфаатдорликнинг юқори эмаслиги, банклар дивидендлари паст эканлиги сабабли улар акциялари жозибадорлигининг юқори эмаслиги кабилар бевосита сабаб бўлмоқда. Шундан келиб чиқсан ҳолда мазкур муаммоларни ҳал қилиш бўйича алоҳида тадқиқот ишлари зарур ҳисобланади.

**Тадқиқот мақсади.** Тижорат банклари қимматли қоғозлар бозоридаги иштироки юзасидан мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар бериш.

**Тадқиқот методлари.** Тадқиқот давомида иқтисодий воқелик жараёнларни ўрганишнинг илмий усуслари – умумлаштириш, гуруҳлаштириш,

таҳлилнинг мантиқий ва таққослама усуллари, абстракт мантиқий фикрлаш, қиёсий таҳлил ва бошқа усувлардан фойдаланилган.

**Асосий натижалар.** Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозоридаги фаоллиги масаласини тадқиқ қилиш жараёнида шунга гувоҳ бўлмоқдамизки, бу борада салбий таъсир кўрсатувчи омиллар ниҳоятда кўп. Бунда биринчи навбатда акциялар муомалага чиқариш ва жойлаштириш орқали тижорат банклари томонидан молиявий ресурслар жалб қилишига салбий таъсир кўрсатаётган омилларга эътибор қаратамиз (1-жадвал):

Бунда алоҳида омилларга эътибор қаратадиган бўлсак, энг жиддий таъсир кўрсатаётан омил шубҳасиз банклар фаолиятига давлат аралашувининг юқорилигидир. Бунга тижорат банклари устав капиталида давлат улушининг мунтазам равишда ошириб келинаётганлиги сабаб бўлмоқда. Давлат дастурлари ижроси доирасида устав капиталига маблағларининг йўналтирилиши натижасида бугунги кунда аксарият банкларнинг акциялар назорат пакетига Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси эгалик қилмоқда (2-жадвал).

Юқоридаги жадвал маълумотларидан аён бўлмоқдаки, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, Молия вазирлиги ва Давлат активларини бошқариш агентлиги бугунги кунда мамлакатимиздаги тижорат банклари устав капиталида йирик акциядорлар сифатида иштирок этиб келишмоқда. Бунда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси Туронбанк (87,63 фоиз), Асакабанк (87 фоиз), Ўзсаноатқурилишбанк (82,09 фоиз), Ипотекабанк (81,46 фоиз), Агробанк (78,48 фоиз), Алоқабанк

<sup>1</sup> Муаллиф томонидан тузилган.

**2-жадвал. Тижорат банклари устав капиталида давлат номидан йирик акциядорлар улуши таҳлили<sup>1</sup>**

Тижорат банклари	Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси	Молия вазирлиги	Давлат активларини бошқариш агентлиги
Үзсаноатқурилишбанк	82,09	13,4	-
Ипотекабанк	81,46	10,54	-
ТИФ Миллий банки	58,5	41,5	-
Асакабанк	87	10,18	-
Қишлоқ қурилиш банк	23,89	74,07	-
Агробанк	78,48	18,69	-
Микрокредитбанк	51,2	46,6	-
Халқ банк	70,11	29,89	-
Туронбанк	87,63	10,28	-
Алоқабанк	77,2	5,66	-
Ўзагроэкспортбанк	75	-	-
Asia alliance bank	-	-	100

(77,2 фоиз), Ўзагроэкспортбанк (75) фоиз, Халқ банки (70,11 фоиз), Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки (58,5) фоиз, Микрокредитбанк (51,2 фоиз) каби тижорат банкларида акцияларнинг ҳал қилувчи ва назорат пакетларига эгалик қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги эса Қишлоқ қурилиш банкда 74,07 фоизлик акциялар пакетига эгалик қиласди.

Ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Asia Alliance Bank да 100 фоиз акцияларга эгалик қилувчи ягона акциядор ҳисобланади. Шунингдек Пойтахтбанк АТБда ҳам Тошкент шаҳар ҳокимлиги 100 фоиз акцияларга эгалик қиласди ва ягона акциядорлик амалиёти қўлланилади.

Жадвалда келтирилган давлат номидан банклар акцияларига эгалик қилувчи йирик акциядорлардан ташқари бошқа давлат назоратидаги субъектларнинг кичик улушлари ҳам мавжудлигини шу ўринда қайд этиб ўтишимиз лозим. Мазкур ҳолат ўз-ўзидан тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозорига чиқишига тўсқинлик қилмоқда. Натижада давлат иштирокидаги банклар фаолиятининг асосий кўрсаткичлари мунтазам ўсиши кузатилмоқда (3-жадвал).

Тижорат банклари фаолиятининг асосий кўрсаткичлари ҳисобланган активлар, кредитлар, депозитлар ва капитал миқдори таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, 2018 йил 1 январь ҳолатига

капиталида давлат улуши бўлмаган банкларнинг жами банк капиталидаги улуши 19,4 фоизни ташкил этган бўлса, 2020 йил 1 январь ҳолатига 13,3 фоизни ташкил этган. Бунга биринчи навбатда давлат улуши мавжуд бўлган банкларда капиталлашув даражасининг мунтазам давлат томонидан оширилиб келинаётганлиги, айрим банклар миллийлаштирилганлиги кабилар сабаб бўлган. Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўринадиги давлат улуши мавжуд бўлган банкларда депозит миқдори банк капиталига нисбатан ўсиш тенденциясига эга эмас. Давлат улуши бўлмаган банкларда эса депозитлар миқдори капитал миқдорига нисбатан қарийб тўрт баравар ортиқ эканлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Лекин банк капитали ўсиши нуқтаи назаридан давлат улуши мавжуд бўлган банкларда ўсиш ниҳоятда юқори. Хусусан 2020 йил 1 январь ҳолатига 2019 йил 1 октябрь ҳолатига нисбатан давлат улуши мавжуд бўлган банкларда капитал миқдори қарийб 50 фоиз ошганлигига гувоҳ бўлиш мумкин.

Шу ўринда яна бир жиҳат. Давлат тижорат банкларига депозит воситасида маблағ жойлаштириш амалиёти ҳам мавжуд. Буни 2019 йил февраль ойида Лондон фонд биржасида 1 миллиард АҚШ долларига тенг суверен евроблигацияларни муваффақиятли жойлаштирилган келиб тушган маблағлар миллий иқтисодиётга йўналтирилиши мисолида қўришимиз мумкин (4-жадвал).

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, илк суверен евроблигациялардан келиб тушган маблағларнинг асосий қисми,

<sup>1</sup> Тижорат банклари расмий сайтлари асосида муаллиф томонидан тузилди. 27.04.2020

3-жадвал. Тијкорат банклари фаолиятининг асосий кўрсаткичлари<sup>1</sup>

Кўрсат-кичлар номи	Жами	Шундан:				Шу жумладан чет эл валюта-сида	
		Давлат улуши мавжуд бўлган банклар		Капиталида давлат улуши бўлмаган банклар			
		Млрд. сўм	улуши, % да	Млрд. сўм	улуши, % да		
01.01.2018 й.							
Активлар	166 631,8	136 505,0	81,9	30 126,8	18,1	106 663,6	
Кредитлар	110 572,1	97 778,4	88,4	12 793,7	11,6	68 838,2	
Депозитлар	59 578,7	39 270,1	65,9	20 308,6	34,1	28 825,3	
Капитал	20 676,1	16 671,6	80,6	4 004,6	19,4	6 188,0	
01.01.2019 й.							
Активлар	214 419,6	180 155,0	84,0	34 264,6	16,0	118 828,7	
Кредитлар	167 390,6	148 796,0	88,9	18 594,6	11,1	93 527,0	
Депозитлар	70 001,4	47 659,4	68,1	22 342,0	31,9	26 677,9	
Капитал	26 678,9	21 743,1	81,5	4 935,8	18,5	266,9	
01.04.2019 й.							
Активлар	232 090,2	197 326,6	85,0	34 763,6	15,0	129 008,6	
Кредитлар	184 392,6	164 177,3	89,0	20 215,4	11,0	104 173,1	
Депозитлар	71 911,7	49 779,1	69,2	22 132,6	30,8	26 860,0	
Капитал	28 292,0	22 910,2	81,0	5 381,8	19,0	268,5	
01.07.2019 й.							
Активлар	264 539,8	226 274,7	85,5	38 265,1	14,5	148 887,2	
Кредитлар	209 019,8	186 837,1	89,4	22 182,7	10,6	118 858,7	
Депозитлар	84 692,2	61 196,5	72,3	23 495,7	27,7	35 958,2	
Капитал	30 002,8	24 220,3	80,7	5 782,5	19,3	274,0	
01.10.2019 й.							
Активлар	290 936,9	250 531,1	86,1	40 405,8	13,9	162 360,0	
Кредитлар	234 672,6	210 724,6	89,8	23 948,1	10,2	135 134,5	
Депозитлар	91 317,0	66 584,0	72,9	24 733,1	27,1	38 387,6	
Капитал	34 191,9	27 929,4	81,7	6 262,5	18,3	301,6	
01.01.2020 й.							
Активлар	272 726,9	230 126,4	84,4	42 600,5	15,6	129 076,7	
Кредитлар	211 580,5	186 630,3	88,2	24 950,2	11,8	100 947,3	
Депозитлар	91 009,0	65 739,5	72,2	25 269,5	27,8	39 969,0	
Капитал	51 030,7	44 266,8	86,7	6 763,9	13,3	304,5	

яъни 89 фоизи 2019 йил апрель ойида аукцион ўтказиш орқали тијкорат банкларига, аниқроғи давлат иштирокидаги тијкорат банкларига депозит сифатида, яна 2 фоизи Агробанк АТБ субординар қарз сифатида жойлаштирилган. Аукцион натижаларига кўра 889,2 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағ тијкорат банклари томо-

нидан қўйидагича миқдорларда депозитга жалб қилишган (1-расм).


Юқоридаги расм маълумотларидан аён бўлмоқдаки, айнан давлат улуши юқори бўлган банкларга халқаро облигациялардан келиб тушган маблағларнинг жойлаштирилиши, айнан шу банклар узоқ муддатли ресурс базаси мустаҳкамланишига олиб келган. Лекин соғлом рақобат масаласида маълум натижага эришилган дея олмаймиз. Фикримизча, суверен облигациялардан тушган маблағлар тўғридан-тўғри муҳим

<sup>1</sup> Узбекистон Республикаси Марказий банки. Статистик бюллетень. 2019 йил. – Б. 47.

**4-жадвал. Ўзбекистоннинг ilk суверен облигациялари жойлаштирилишидан келиб тушган маблағларнинг тақсимланиши<sup>1</sup>**

№	Тақсимланиш йўналишлари	Йўналтирилган маблағ, млн АҚШ долларида	Умумий суммага нисбатан фоизда
1	Тижорат банкларига аукцион ўтказиш орқали депозит сифатида	889,2	89
2	Навоий КМКга бюджет ссудаси сифатида	89,9	9
3	Агробанк АТБга субординар қарз сифатида кредит линияси	20	2
	Жами	999,1	100

**1-расм. Халқаро облигациялардан келиб тушган маблағларни аукцион ўтказиш орқали тижорат банкларига жойлаштириш натижалари [9].**



лоийхаларга йўналтирилиши, давлат иштирокидаги тижорат банкларининг мустақил тарзда миллий ва халқаро фонд бозоридаги фаоллигига эришиш лозим.

Бизга маълумки, мамлакатимиздаги давлат иштирокидаги тижорат банклари давлат дастурлари асосида банк соҳасига дахлдор бўлмаган алоҳида тармоқлар бириткирилган (5-жадвал).

Шунингдек, "Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги "Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5242-сон, 2018 йил 2 февралдаги "Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5325-сон ва 2018 йил 27 июндаги "Yoshlar –


kelajagimiz" Давлат дастури тўғрисида"ги ПФ-5466-сон Фармонлари, 2018 йил 26 апрелдаги "Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3680-сон, 2018 йил 7 июндаги "Ҳар бир оила – тадбиркор" дастурини амалга ошириш тўғрисида"ги ПҚ-3777-сон, 2018 йил 14 июлдаги "Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самараадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3856-сон ва 2019 йил 7 марта даги "Худудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оиласидаги тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4231-сон қарорлари билан республикада кичик бизнес, оиласидаги тадбиркорлик, аҳолининг ўзини ўзи банд қилишни ривожлантириш, аёллар учун имкониятларни ошириш ва ёш авлодни қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат дастурлари амалга оширилаётганлиги, барчамизга маълум. Бундай дастурларни амалга ошириштисод ва молия / ЭКОНОМИКА И ФИНАНСЫ 2020, 4(136)

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 апрелдаги ПҚ-4258-сонли «Ўзбекистон Республикасининг ilk суверен халқаро облигацияларини жойлаштиришдан тушган маблағлардан самарали фойдаланиш тўғрисида»ги Қарори асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

5-жадвал. Тижорат банкларига бириктирилган соҳалар<sup>1</sup>

Тижорат банклари	Бириктирилган соҳа
Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки	Мева-сабзавотчилик
Ўзсаноатқурилишбанк	Паррандачилик
Халқ банки	Чорвачилик
Асакабанк	Боғдорчилик
Ипотекабанк	Балиқчилик
Алоқабанк	Асаларичилик
Микрокредитбанк	Қуёнчилик

2-расм. "Yoshlar – kelajagimiz" Давлат дастури ижроси учун АТ Халқ банки, "Микрокредитбанк" АТБ ва "Агробанк" АТБ устав капиталига йўналтирилган Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт дамғармаси маблағлари, миллиард сўмда [11].



ришга 2017-2019 йиллар давомида деярли барча банклар жалб қилинганди [10]. <sup>1</sup>

2020 йил 1 январдан эътиборан бундай дастурлар бўйича лойиҳалар Марказий банк қайта молиялаш ставкаси бўйича биринчи навбатда АТ Халқ банки, "Микрокредитбанк" АТБ ва "Агробанк" АТБ кредитлари орқали молиялаштириш тартиби жорий этилди. Биргина "Yoshlar – kelajagimiz" Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида АТ Халқ банки, "Микрокредитбанк" АТБ ва "Агробанк" АТБ устав капиталига Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари йўналтирилди (2-расм).

Бир томондан мақсадли дастурлар учун алоҳида тижорат банкларининг белгиланиши аҳамиятли. Фақат бунда бошқа тижорат банкларининг мустақил алоҳида давлат дастурларисиз фаолият юритишига шароит яратишимиш лозим.

<sup>1</sup> Амалдаги тартиб асосида муаллиф томонидан тузилиди.

Бу жиҳат молиявий ресурслар жалб қилиш борасида тижорат банклари масъулиятини оширади.

Бугунги кунда банк тизимида тижорат банкларининг молиявий ресурс жалб қилиш борасида соғлом рақобат муҳити мавжуд, дея айта олмаймиз. Чунки юқоридаги каби қатор қарорлар билан давлат иштироқидаги тижорат банклари устав капитали мунтазам равишда оширилиб келинмоқда. Буни умумий ҳолда банклар устав капиталини оширишга Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари йўналтирилганлигини қўйидаги жадвалда ҳам кўришимиз мумкин (6-жадвал).

Юқоридаги қарорлардан ташқари баъзи тижорат банкларининг капиталлашувини ошириш тўғрисида алоҳида қарорлар ҳам қабул қилинганди. Айнан шундай шароитда хусусий тижорат банклари молиявий ресурслар жалб қилиш борасида жиддий муаммоларни енгib ўтишларига тўғри келмоқда. Лекин шунга қарамасдан хусусий тижорат банклари рентабеллиги давлат иштироқисод ва молия / экономика и финансы 2020, 4(136)

**6-жадвал. 2017 йилда айрим тижорат банкларининг устав капиталларини ошириш кўрсаткичлари  
(млн АҚШ доллари эквивалентида) [12]**

T/р	Банкларнинг номи	2017 йил 1 июндаги устав капитали миқдори	Устав капиталини кўшимча кўпайтириш
1.	Ўзбекистон Республикаси ТИФ миллий банки	452	51
2.	«Асака» АТБ	264	70
3.	«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ	266	71
4.	Халқ банки	134	65
5.	«Қишлоқ қурилиш банк» АТБ	158	46
6.	«Ипотека-банк» АТИБ	120	60
7.	«Микрокредитбанк» АТБ	91	30
8.	«Агробанк» АТБ	152	100
9.	«Туронбанк» АТБ	26	7
	Жами	1661	500

кидаги банклар рентабеллигидан бир неча бара-вар юқорилиги кузатилмоқда. "Хусусий банклар кредит ресурсининг ярмидан кўпини депозитлар ҳисобига шакллантираётган бўлса, давлат банкларида бу кўрсаткич атиги 10 фоиз атрофида"[13]. Бунга сабаб сифатида давлат иштироқидаги банкларда муаммоли кредитлар даражаси юқорилиги ҳам кўрсатилмоқда. Шуни алоҳида таъкидлашимиз лозимки, ресурслар жалб қилиш борасидаги боқимандалик ўз навбатида банк рентабеллигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Келтирилган жиҳатлар асосида банк тизимида соғлом рақобат муҳитини юзага келтириш ниҳоятда муҳим. Чунки банк тизимида соғлом рақобат молиявий ресурслар жалб қилишда, кредитлаш амалиётида самарадорликка хизмат қиласди. Бу ўз навбатида молиявий ресурслар жалб қилиш ва инвестицион фаолият орқали қимматли қоғозлар бозори равнақида ҳам муҳим аҳамият, касб этади, деб ҳисоблаймиз. Бунинг учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йилдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидланган "Давлат улушига эга бўлган банклар босқичма-босқич стратегик инвесторларга сотилади", деган фикр яқин истиқболда ўз тасдиғини топмоғи лозим [14].

### Хуносас ва таклифлар.

2008 йилдаги жаҳон молиявий-иқтисодий инқизоризидан келиб чиқиб Инқизорзга қарши чоралар дастури доирасида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 19 ноябрдаги "Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида" Ф-4010 фармойиши асо-

сида инқизорз ёқасидаги корхоналар молиявий соғломлаштириш мақсадида тижорат банклари балансига ўтказилган эди. Бунда устувор вазифа сифатида тижорат банки балансига олинган корхонани аввало молиявий соғломлаштириш, кейин эса стратегик инвесторларга сотиш белгиланган эди. Қўлланилган амалиёт банк амалиётига даҳлдор бўлмаган амалиёт эканлиги боис, охири бу тартиб бекор қилинди. Шундан келиб чиққан ҳолда бугунги кунда ҳам тижорат банклари мажбурий тартибда иштирок этаётган корхоналарни банклар балансидан чиқариш лозим ва асосий эътибор банк фаолиятига қаратилиши мақсадга мувофиқ.

Яна шуни ҳақм қайд этишимиз лозимки, барча тижорат банклари учун активлар портфелини диверсификациялаш мақсадида 10 фоизгача доирада қатъий диверсификацияланган қимматли қоғозлар портфелини ҳам шакллантиришга тижорат банкларида манфаатдорликни шакллантириш лозим. Лекин бунинг учун ҳам аввало қимматли қоғозлар бозори ривожланган, ликвидлилик ва даромадлилик таъминланган бўлиши лозим.

Шунингдек, тижорат банклари акцияларига эгалик қилиш, акцияларни сотиб олиш бўйича айрим чекловлар юмшатилиши, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидан дастлабки розилик олиш, розилик олиш амалиётлари соддалаштирилиши, вақт сарфи кескин қисқартирилиши лозим. Чунки айни вақтда амал қилаётган жараён ҳам мураккаб, ҳам вақт сарфи ниҳоятда юқори. Инвесторлар томонидан қимматли қоғозларга инвестиция киритиш тўғрисида қарор қабул қилиш нисбатан тезкорликни талаб қилиши боис, бундай

бюрократик амалиётлар инвесторлар қизиқиш доирасининг пасайишига олиб келади. Акциядорларнинг тижорат банкларидағи устав капиталида эгалик қилиши мумкин бўлган энг юқори улуш - устав асосида белгилаб қўйилиши бозор шароитида муҳим аҳамият касб этади.

Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозоридаги фаоллигига салбий таъсир кўрсатаётган ички омиллар ҳам мавжуд. Лекин ички омиллар юзага чиқишида ҳам ташқи омиллар таъсири юқори. Жумладан, тижорат банкларининг молиявий-хўжалик фаолияти бўйича мустақиллигининг чекланганлиги ўз-ўзидан қимматли қоғозлар билан операциялар орқали молиявий таъминот даражасини ошириш, инвестицион фаолият орқали даромадлиликни диверсификациялаш масалаларига тўсқинлик қиласди. Яъни давлат томонидан берилган топшириқ доирасидагина тижорат банклари фаолияти ташкил этилади, холос.

Мамлакатимизда инфляция даражасининг юқорилиги ҳам маълум даражада қимматли қоғозлар бозори ривожланишига, тижорат банклари қимматли қоғозларига бўлган талабнинг нисбатан паст бўлишига олиб келмоқда. Чунки инфляция 15 фойздан юқори ҳолатида акциялар

бўйича камида 20 фойз дивиденд инвестор талаби сифатида намоён бўлади. Буни таъминлаш учун эса тижорат банклари рентабеллиги ҳозиргидан сезиларли юқори бўлиши лозим.

Ўз навбатида тижорат банкларининг молиявий ресурслар жалб қилишига давлат томонидан ҳаддан ташқари юқори ёрдам кўрсатилиши бошқа акциядорлар билан муносабатларнинг самарали ташкил этилишига тўсқинлик қиласди. Бу ўз навбатида гарчи банк акциялари листингдан ўтган бўлсада, акциялар ликвидлилиги ҳаддан ташқари паст бўлишига олиб келади.

Давлат томонидан молиявий ресурслар тижорат банки устав капиталига мунтазам йўналтирилиши амалда бошқа томондан эришилган фойдани ҳам давлат иштироқида бошқаришга олиб келган. Натижада эса миноритар акциядорлар манфаатлари инобатга олинмаган ҳолда молиявий қарорлар қабул қилиниши кузатилади. Бунда дивидендер амалиётлари орқали инвестицион жозибадорликка эътибор қаратилмаслиги яна тизимли муаммо сифатида акциялар очиқ жойлаштирилиши амалиётлари муваффақиятини ҳам чеклаб қўяди.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Гиброва Н.М. Тенденции и перспективы развития инвестиционных операций коммерческих банков на фондовом рынке России. Автореферат докторской диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – Москва, 2013. – 26 с.
2. Банковское дело. Учебник / Под ред. О.И. Лаврушина. 13-е изд. – М.: КНОРУС, 2020. – С. 477-498; 514-522. (632 с.)
3. Байбеков И.Р. Формирование облигационных портфелей коммерческими банками на российском биржевом рынке. Автореферат докторской диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – Саратов, 2015. – 29 с.
4. Frederic S. Mishkin. The Economics of Money, Banking, and Financial Markets, 11th Edition. Pearson, 2016. – P. 235. (745 p.).
5. Frederic S. Mishkin and Stanley G. Eakins. Financial markets and institutions. Global edition. Pearson, 2018. – P. 290. (706 p.).
6. Мартыненко Н.Н., Маркова О.М., Рудакова О.С., Сергеева Н.В. Банковское дело в 2 ч. часть 2. – М. "Юрайт", 2020. – С. 11-48. (368 с.)
7. Банки и банковское дело. В 2 Ч. ЧАСТЬ. Учебник и практикум для вузов. / Под ред. В. А. Боровковой. – М. "Юрайт", 2020. – С. 350-415. (422 с.)
8. Мартыненко Н.Н., Маркова О.М., Рудакова О.С., Сергеева Н.В. Банковское дело в 2 ч. часть 2. – М. "Юрайт", 2020. – С. 12. (368 с.)
9. Тошматов Ш.А. Ўзбекистон халқаро облигацияларининг жаҳон молиявий бозорларида жойлаштирилиши: риск ва прогнозлар. <http://review.uz/oz/post/zbekiston-xalaro->

obligatsiyalarining-jaon-moliyaviy-bozorlarida-joylashtirilishi-risk-va-prognozlar?q=%D0%A2%D0%BE%D1%88%D0%BC%D0%B0%D1%82%D0%BE%D0%B2

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 октябрдаги "Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш давлат дастурлари доирасида амалга оширилаётган лойиҳаларни кредитлаш тартибини такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4498-сонли қарори.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 октябрдаги "Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш давлат дастурлари доирасида амалга оширилаётган лойиҳаларни кредитлаш тартибини такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4498-сонли қарори.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 июндаги "Тижорат банкларнинг молиявий барқарорлиги ва капиталлашуви даражасини оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3066-сонли Қарори.

13. Банкларнинг инвестициявий фаоллигини ошириш бўйича вазифалар белгиланди. <https://president.uz/uz/lists/view/2961>

14. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <https://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020>